



Имом Муслим ривоят қилған ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни (такбиратул-эхромга) такбир айтиш ва “Алҳамду лиллаҳи роббили аламийн”ни ўқиш билан бошлардилар. Рукуъ қылсалар бошларини күтариб ҳам, пастга эгип ҳам юбормасдилар, балки шу икки ҳолатнинг ўртасида қиласардилар. Рукуъдан бош күтартсалар, қадларини тўла ростламагунча саждага бормас эдилар. Саждадан бош күтартсалар, тўғри, текис ўтирганча иккинчи саждага бормас эдилар. Ҳар икки ракъатда ўтирганда “Ат-таҳийёт”ни айтардилар, чап оёқларини тўшаб, ўнг оёқларини тиклар эдилар. Намозда «уқбатуш-шайтон»дан (яъни болдир ва сонларни тиклаган ҳолда кўлларни ерга тираб ўтиришдан) ва тирсакларни ҳайвонлар каби ерга тўшашдан қайтарардилар. Намозни салом билан тугатар эдилар.

□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□  
□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□  
□□□□□



Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Хумайд ас-Соъидий розияллоҳу анҳу айтади: Кўрдимки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (намозда такбиратул-эхромга) такбир айтганларида икки қўлларини икки елкалари баробарида кўтарар әдилар. Рукуъ қилганларида икки қўлларини икки тиззалирига маҳкамлардилар, сўнг орқаларини бир текис букардилар. Бошларини (рукуъдан) кўтарғанларида қад ростлаб турадилар, ҳатто умуртқанинг ҳамма суяклари ўз ўрнига қайтарди. Сажда қилганларида икки қўлларини тўшамаган ва (ёнларига) қисмаган ҳолда қўярдилар ва икки оёқлари бармоқларининг учини қиблага қаратардилар. Икки ракъатдан кейин ўтирсалар чап оёқларига ўтириб, ўнг оёқларини тиккалардилар. Охирги ракъатда ўтирсалар чап оёқларини (ўнг оёқлари остидан) олдинга чиқариб, ўнг оёқларини тиккалардилар ва думбаларига ўтирадилар.



Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Зубайр розияллоҳу анҳу шундай деди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда ўтирсалар, чап оёқларини (ўнг) сон ва болдиrlари орасига қўйиб, ўнг оёқларини ётқизардилар. Чап қўлларини чап тиззалири устига, ўнг қўлларини эса ўнг сонлари устига қўярдилар ва (ўнг қўл) кўрсаткич бармоқлари билан ишора қиласардилар.

**Шарҳ:**

Намозхон биринчи ташаҳҳудда ўтирганида ўнг оёғини тиклаб, чап оёғи устига “ифтирош” қилиб ўтиради. Уч ё тўрт ракъатлик намозларда иккинчи ташаҳҳудда ўтирганида «Таварруқ» қилиб – яъни, ўнг оёқ қадамини тиклаб, чап оёқни ўнг оёқ остидан ўтказиб, думбаси билан ўтиради. Бу ҳадисларнинг зоҳирий маъноси ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қилганлари. Бирок, имом Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳи мазҳабларида тўртинчи ракъатдан кейин ҳам худди иккинчи ракъатдан кейин ўтиргандай ўтиради, дейилади.

**Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Саломдан аввал ташаҳҳудга ўтириш намоздаги рукнлардан биридир.
2. Биринчи ташаҳҳудга ўтирганда ўнг оёқни тиклаб, чап оёқ устига ифтирош қилиб ўтирилади. Иккинчи ташаҳҳудда «таварруқ» қилиб ўтириш суннат.